

Азамат Рамзитдинович Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 1 июн

Баходир Эргашевич Ходжаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 1 июн

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли санъаткорлари Қорақалпоғистон Республикаси мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари, Ажиниёз Қўсийбой ўғлининг 175 йиллик ҳамда Бердақ Қарғабой ўғлининг 170 йиллик тўйларини муносиб нишонлашга қўшган ҳиссалари учун Қорақалпоғистон Республикасининг юксак унвонларига сазовор бўлди. «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Муҳаммадали Абдиқундузов, Ўзбекистон Телерадиокўрсаткичи мақомчилар ансамблининг моҳир созандаси Абдухўшим Исмоилов, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмоновага «Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти» унвони берилди.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри режиссёри Носир Отабев «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Шаҳзод» эстрада гуруҳи хонандаси Рашид Холиқов эса «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

/ЎзА/

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 2 июн, жума №78 (910)

СЕШАНҒА, ЧОРШАНҒА, ЖУМА ВА ШАНҒА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**Мамлакатимизда болалар ҳамиша ардоқда. Зеро, ташвишлардан холи беғубор болалар билан ҳаёт гўзал, хонадонлар файли, келажак ойдин. Шу боис, болаларни ҳар жиҳатдан соғлом вояга етказиш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланаётган етим болаларга алоҳида эътибор қаратиляпти.**

## УЛАР БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

Самарқанд шаҳридаги 10-меҳрибонлик уй-лицейида 221 нафар бола тарбияланмоқда. Бу ерда болаларнинг яшashi, илм олиши учун барча шароит мухайё этилган. Болалар дарсдан кейин турли тўғарақларга қатнашади. Шунинг айтиш кераки, меҳрибонлик уйи 1996 йил меҳрибонлик уй-лицейига айлантирилди. Яъни бу даргоҳ миллий ҳунармандлик касбларини чуқурроқ ўргатишга ихтисослаштирилди.

Кулдолик, расм-дизайн тўғарақлари аъзолари оддий лойдан мўжиза яратиш, бўёқлардан гўзаллик бунёд этиш санъатини эгаллаб олган. Чеварликни ўрганаётган қизалоқлар эса синфни ўзлари тиккан турфа шаклу шамойилдаги кашта ва либослар билан беазаган. Мусиқа ва компьютер тўғарақлари болалар билан ҳар доим гаважум. Миллий кўғирчоқлар ясаш тўғараги аъзолари ясаган кўғирчоқлар кишини, айниқса ҳайратга солади. Санъатсевар болалар устозлари ёрдамида «Бинафша» фольклор-этнографик дастасини ҳам тузишган. Улар турли кўрикларда иштирок этмоқда. Меҳрибонлик уй-лицейи директори Малик Рўзикулов болаларнинг иқтидори, тиришчиликдан ниҳоятда ҳурсанд.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ўтган йили Президентимиз Ислон Каримов ўзининг нашир этилган китобларига берилган қалам ҳақи ҳисобидан беш юз минг сўм ҳамда ўн минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағни ушбу меҳрибонлик уйига тўхда этган эди. Бу маблағ айни пайтда меҳрибонлик уйида ўқув-тарбия шарт-шароитларини янада яхшилашга сарфланмоқда. Болаларнинг бундай меҳр-мурувватдан бошлари осмонга етиб, Юртбошимиз ва устозларидан миннатдор бўлмоқда.


## ҒАЛЛАЗОРДА СУРЪАТ, ШИЖОАТ

**Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли ширкат хўжалигида ўрим-йигим иштирокчилари меҳнатини қадрлаш, уларга қулай шароитлар яратиш борасида ибратли тадбирлар амалга ошириляпти.**

Ғаллазорда ҳаёт қайнайдми. Бўлик бошоқлар хирмон баракали бўлишдан далолат беради. Ён-атрофни комбайнларнинг ҳайқирғи тугган. Ғаллазорлар қайфияти чоғ, ҳар бир ўрим-йигим иштирокчиси фидойилик кўрсатиб, эл бойлигини иложи борича тезроқ саранжомлаб олиш ишига муносиб ҳисса қўшиш орузида. Суръатга кун сайин суръат кўшилмоқда. Айниқса, кудратли «КЕИС» комбайнлари хирмонга барака киритмоқда.

Хўжалик маъмурияти ва касабга уюшма қўмитаси ҳосил ўрим-йигимида иштирок этаётган кишилар меҳнатини қадрлаш, уларга қулай шароитлар яратиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга ошириляпти. Аввало, шийонларда хўжалик ҳисобидан кунига уч маҳал иссиқ овқат, чой тайёрланмоқда. Сут ва бошқа неъматлар ҳам вақтида етказиб берилляпти.

Санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар тақлиф этилиб, ғаллазорларга маданий хизмат кўрсатилмоқда. - Кўп нарса қайфиятга боғлиқ, - дейди тажрибали ғаллакор Урол Хўжаназаров. - Ҳалол меҳнатини қадр топмоқда. Моддий



манфаатдорлик таъминланяпти. Шу боис, барчамиз кун сайин унумлироқ меҳнат қилишга ҳаракат қилияпти. Ният, бу йил ҳосилдорликни гектарига 40 центнерга етказиш. Бу ерда мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Техника пухта созланганлиги, малякали комбайнчилар ўз

тажрибаларини ёшларга кунг билан ўргатганликлари ўз самарасини берапти. Намоз Эшмиров, Чори Хўжақелдиев, Эргаш Холиев, Жўра Қулмунинов, Гулбой Бердимуродов сингари комбайнчилар техника кудратини амалда намоиш этишляпти. Иш натижаларига ҳар кун яқун ясалиб, илғорлар рағбатлантириляпти. Мавсумда энг юқори кўрсаткичга эришган оилавий

рағбатлантиришнинг сигнал омилидан унумли фойдаланиш бағоят муҳимдир. Мақсадга эришишда оилавий пудрат алоҳида ўрин тутмоқда. Таъкидлашларича, бу ерда ғаллазорлар 648 та оилавий пудратчига эҳтиёжга қараб бўлиб берилган. Бу ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Нима қилса ҳам ўзлариникида, одамлар юқори кўрсаткичларга эришиш, эл бойлигини нест-нобуд қилмай ўрта ҳисобда 20 иш кунинда саранжомлаб олиш учун барча имкониятни ишга солишмоқда. «Қизиққоя» ширкати ғаллакорлари хузурида бўлганимизда, улар касабга уюшма қўмитасининг яна бир меҳрибонлигини олобид таъкидлашди. Маълум бўлишича, мавсумда энг яхши кўрсаткичга эришганлар «Хонжиза» дам олиш уйида хўжалик ҳисобидан мириқиб дам оларкан. Буларнинг ҳаммаси ғалла ўрим-йигимида юксак суръат ва сифатни таъминламоқда.

Бозор шароитида иқтисодийни юксалтириш, меҳнатни ташкил этиш ва

Олмалик шаҳрида шошилинч тиббий ёрдам маркази иш бошлади. Марказий касалхона ҳудудида бунёд этилган мазкур шифо маскани 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит мухайё этилган.

## Олмаликда тиббий ёрдам маркази

Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган реанимация, жароҳлик, ички касалликлар бўлимларида малакали шифокорлар ишламоқда. Марказ биноси ҳашар йўли билан капитал таъмирдан чиқарилди. Бунда Олмалик кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 354-кўча механизациялашган колонна каби йигирмадан зиёд корхона ва ташкилот фаол иштирок этди.

Қийраш туманида ҳам ана шундай замонавий шифо маскани очилди. Шундай қилиб, вилоятдаги шошилинч тиббий ёрдам марказлари сони бештага етди.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.**



## МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИШ - БУРЧИМИЗ

Соғлом авлод йили муносабати билан жойларда ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан баркамол қилиб тарбиялаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламга алоҳида эътибор берилляпти. Бу борада Тошкент вилоят хотин-қизлар қўмитасида олиб бориллятган ишлар ибратлидир. - Қўмитамиз қошида «Меҳр-мурувват» гуруҳи ташкил этганмиз, - дейди вилоят ҳокими муовини, мазкур қўмита раиси Сайёра Хўжаева. - Унга Гулзода Юнусова раҳбарлик қилмоқда. «Наврўз», «Болалар», «Маҳалла», «Таянч», «Экосан», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, «Ойла» илмий-амалий маркази ва Тадбиркор аёллар уюшмаси билан биргаликда ушбу гуруҳ аъзолари кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини оталиққа

олишган. Ҳар байрам олдидан уларни йиғиб, дастурхон ёзмиз, совға-саломлар ташкил этамиз. Лозим топилса, ёрдамимизни аямаямиз. Яқинда Урта Чирчиқ тумани Охунбоев номили жамоа хўжалиги маданият саройида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туманларидан 250 нафар болалар иштирок этдилар. Уларга тўқтин байрам дастурхонини ташкил этилди, кўғирчоқ театри спектакли намоиш қилинди, совға-саломлар топширилди.

**Суратда: «Меҳр-мурувват» гуруҳи раҳбари Гулзода Юнусова болаларга совға топшираётган пайт.**  
Анда САИТОВА олган сурат.

## ҚУВОНЧ УЛАШГАН КУН

**Баркамол ёшлар - мамлакат устунли. Шунинг учун ҳам қайси мамлакат болалари соғлом, илм-маърифатли бўлса, ўша юртининг келажак порлоқдир. Оша Ўзбекистонимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом авлод камали учун ғамхўрлик қилди.**

Республикаимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан катта байрам тантаналари уюштирилди. Боғ ва хиёбонлар, хордиқ масканлари, театр ва кино заллари-ю, санъат қошоналари болажонларнинг шодон кулгуларига тўлди. Шундай тантаналардан бири Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат богида ташкил этилди.

Мазкур байрам дастурда туманимизда жойлашган барча мусиқа мактаблари, Мухтор Ашрафий номили Тошкент Давлат Консерваторияси, Абдулла Қодирий номили Маданият институти, Хамза ва Успенский номили мусиқа билим юртининг ёш созанда ва хо-

кинтойларнинг қалбига завоқ бағишлади. Айниқса, туман ҳокими кубоғи учун ўтказилган футбол мусобақаларининг якуний босқичи болажонларнинг олқишларига сазовор бўлди. Унда тумандаги корхона, ташкилот ва маҳалларнинг 20 га яқин хаваскор футбол жамоалари ўртасида ўтказилган мусобақаларда голибликни қўлга киритган Тошкент трактор заводининг «Тракторсозлар» ҳамда «Навбахор» маҳалласининг терма жамоаси футболчилари майдонга тушдилар.

Байрам тадбирлари 500 дан зиёд кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари тақлиф этилди. Махсус байрам дастурхони безатилиб, улар турли-туман ширинликлар, музқаймоғу шарбатлар билан меҳмон қилинди. Энг қувончли шу кун «Боғи Эрам»даги барча кўнгил очар ўйинлари аттракционлардан, аргичоғу катта сув ҳавзасидagi катмарандан фойдаланиш беғул қилиб

**Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.**

**Тошкент - Республикаимизнинг иқтисодий, маданий ва маънавий маркази ҳисобланади. Унинг номи кўпчилик учун шарқона меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, тўқинлик ва фаровонлик рамзига айланган бўлиб, турли кишиларни ўзига жалб этади. Уларнинг орасида бу ерда «мўмай» пул топиб, тезда бойиб кетиш ва керак пайтда осонгина кўздан гоийб бўлиш мумкин, деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Бу эса ҳам пойтахт обрўсига пугтур етказилади, ҳам тошкентликлар ва шаҳар меҳмонларини ноқулай аҳволга солиб қўяди.**

Кейинги йилларда фирибгарликнинг янги турлари пайдо бўлиб, бундай «фаолият» билан шугулланувчилар тобора сурбетлашиб бормоқда. Турли қаллоблиқлардан асосан, ишонувчан, ҳалол кишилар жабр кўради. Чунончи, шаҳрсабаблиқ Абдужаббор Чориев содда кишиларни лақиллатиш, улар ишончини қозонишда устаси фаранг бўлиб чиқди. Узини Меҳнат вазирлиги ҳодими деб таништириб, қисқа муддат ичида жаҳоннинг саккизта давлати - Голландия, Канада, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Франция, Италия ва Японияда ишга жойлаштиришга доир ўз хизматларини тақлиф эта бошлади. «Мутахассис» пули олдидан берилса, ишни арзонроққа тўғрилад беришини

эларда иш билан таъминлаш ваколати бошқа ҳеч қайси ташкилотга берилмагани ва А.Чориев деган шахс уларда ишламаслигини маълум қилишди. Миллиция ходимлари А.Чориев ўз режасини

## ҲУШЁРЛИК - ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

амалга ошириш учун олдиндан ва пухта тайёргарлик кўрганини аниқлашди. У бир неча ой мобайнида туристик фирмалар, паспорт столлари ва Меҳнат вазирлигига ташриф буюриб, чет элга ишга жўнатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, шунингдек, хорижда ишашни истовчи кишилар билан танишган. Нихоят, у Тошкентдаги туманлардан биридаги хонадонни ижарага олиб, ўз фаолиятини бошлади, ҳамда мижозларга ишларини бир ойда битириб беришини ваъда қилди. Дастлабки жабранувчилар унинг эски танишлари бўлиб, улардан 200 ва 250 АҚШ доллари миқдорига пул олади. Фирибгар юзга яқин кишини ҳуз тушириб, кўздан йўқолган ва ҳозирги пайтда уни қидириш

ган» бошқа ҳуфтликнинг рақамига мос келади. Ютуқ телевидион экранига маълум қилинади. Уйин қондаларига кўра, ютуқни бўлиш мумкин эмас ва ўйинни сохта ҳуфтлик билан давом эттириш

Каллоблик сурбетларча, ҳеч қандай никобсиз бажарилган бўлса-да, юзлаб фуқаролар бу тузоққа илинган. Бозорда ушланган товламачиларнинг ёнидан катта миқдорда пул топиланлиги шундан далолат беради. Бунга нима ҳам дейиш мумкин. Халқимизда «Бир балоси бўлмаса, шудгорда кўйрук на қилур», деган мақол бор-ку, ахир.

Кейинги пайтда қаллобликнинг яна бир тури пайдо бўлган. 11 май кун пайтахтда бўлиб, деҳқон бозорларидан бирида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини кийимини кийиб олиб, улардан ёшроқ Хуршид Бозоров, Бахтиёр Саматов ва Самад Султоновлар ҳам деҳқон фарзандлари. Шунга қарама-қарсидан, деҳқонларнинг пулини шилиб, жиноятга қўл уришди.

Миллиция ходимлари фуқароларимизни турли фирибгарлардан ҳимоя қилиш учун кўп ишларни амалга оширмоқда, - дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси штаб бошлиғи, милиция полковниги Алишер Шарипов. ЎзА мухбири билан суҳбатда, - Республикаимизда жиноятларни очиб МДХ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этади, яъни 80 фоизга тенг. Бироқ беш ҳар бир кишига биттадан милиционерни бириктириб қўя олмаимиз. Кишилар ҳам ўзларини ҳимоя қилишлари, фирибгар ва қаллобларга қарши туришлари лозим. Юқоридagi тартиббузарликлар одамлар ўз ҳуқуқларини ва қонуларини билмаслиги сабабли содир бўлган. Бирон-бир хизматни тақлиф этаётган киши бундай фаолиятга рухсат берувчи лицензияга эга бўлиши ва уни кўрсатиши лозим. Қўчада бизни тўхтаган милиция кийимини ҳодимдан ҳужжатларини сўраб, диққат билан ўқиб чиқишга тортинманг. Қўчинча бизни тузоғига илтиришини мўлжаллаган фирибгарни кўрkitиш учун шунинг ўзи етарли бўлади. Қонунибузарликларга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ушган, айниқса диний экстремизм билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида кўйидаги ишонч телефонлари иши ташкил этилган: 133-64-97, 136-75-82, 56-74-76. Уларга телефон қилиб, ўзиниёз гувоҳ бўлган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, ички ишлар ходимларининг номусини хатти-ҳаракатлари тўғрисида хабар беришингиз мумкин. Бунда сир сақлашни қаболатланади. Ҳар битта хабар синчиқлаб ўрганилиб, у бўйича аниқ чоралар кўрилади. **О. ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎзА мухбири.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИҲ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

Шикоят текширилади, адолат ўрнатилди

## ВАЗИФАСИДАН НОҚОНУНИЙ БЎШАТИЛГАН

Чиноз туманидаги 7-ўрта мактабнинг тасвирий санъат, чизмачилик ва меҳнат таълими ўқитувчиси 34 йиллик умрини ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишга бағишлаган **Ҳабибулло Мусурмонкуловнинг тахририятимизга ёзган шикоят хати бизни йўлга қорлади. Унда баён қилинишича, воқеа қуйидагича бўлган:**

Ўтган йил 27 июл куни мактаб директори Бахтиёр Жўраев учинчи гуруҳ ногирони Х.Мусурмонкуловга ўқув йили охирида маъмурият билан пенсионерлар ва ногиронлар ўртасидаги шартнома мuddати тугаганлиги, ишлаётган 5 нафар ана шундай кишилар, шу жумладан, у ҳам вазифасидан бўшатирилганини айтди. Шунда Мусурмонкулов ўзининг ишдан бўшатирилгани ҳақида буйруқдан кўчирма беришларини сўраб, орадан уч ой ўтгач юқори ташкилотга шикоят аризаси йўллайди. Текширишга келганлар масалани атрофлича ўрганиб, тайёрлаган тақдимномалари асосида мактаб раҳбарининг буйруғини нотўғри, деб топдилар. Шу тариқа Чиноз туман халқ таълими бўлими мудирининг 182-сонли буйруғи билан у хизмат вазифасида тикланди. Ушбу буйруқда Ҳабибулло аканинг мажбурий ишсиз юрган вақтлари — сентябр, октябр, ноябр, декабр ойлари учун иш ҳақи тўлансин, деган банд бор.

Х.Мусурмонкулов юқоридаги буйруқ асосида ўз ишига тикланган бўлса ҳам, лекин мажбурий тўлов Меҳнат қонунининг 112-моддаси асосида бирданга амалга оширилмай, балки ойларга бўлиниб берилмоқчи бўлинган. Лекин у кўшимча ведомостларга имзо чекмай, 4 ой-у 18 кунлик пулини бирданга беришларини талаб қилади. Қонуний талаби қондирилмагач, ёрдам беришни сўраб тахририятимизга шикоят хати ёзишга мажбур бўлади. Ушбу шикоят юзасидан кузатишларимиз шуни кўрсатдики, биринчидан, мактабда иш бериш ва иш бажарувчи ўртасида шартнома тузилмаган. Меҳнат қонунининг 77-моддасида белгиланганидек, пенсиядаги кишилар ва II, III гуруҳ ногиронлари ишга меҳнат шартномаси асосида қабул қилинадилар. Мактаб директорининг 1999 йил 27 июлдаги 62-сон-

ли буйруғи имзоланишидан икки ой аввал иш бажарувчига вазифасидан бўшатилиши ҳақида ёзма огоҳлантириш бериш шарт эди. Шикоятни ўрганган юқори ташкилот вакиллари ушбу буйруқни шунинг учун ҳам нотўғри, деб топдилар.

Текшириш якуни бўйича туман халқ таълими бўлимининг 182-сонли буйруғида Мусурмонкулов ишга тикланган, мажбурий ишлаганга ойнари учун иш ҳақи тўлансин, деган жумлалар бор-у, лекин мактаб директорининг 62-сонли буйруғи бекор қилиниши хусусида лом-ним дейилмаган.

Мазкур хат бўйича туман халқ таълими бўлимида ва 7-мактабда масъул раҳбарлар билан мулоқотда бўлдик. Ушбу масала юзасидан бир неча ходимлар фикр-мулоҳазалари эштилди. Хуллас, тахририят араслуқидан кейин Мусурмонкуловга 4 ой-у 18 иш куни учун ҳисобланган 38561 сўм нақд тўланди.

Бундай қараганда масалага ойдинлик киритилган, адолат ўрнатилгандай эди. Лекин шикоятнинг иккинчи қисмида мактаб директорининг ўз вазифасига нолийқлиги тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазалар, келтирилган далиллар бўйича ташкил қилинган тегишли тадбирда иштирок этишга тўғри келди. Йиғилишда сўзга чиққанлар Б.Жўраев 1996 йилдан буён шу мактабда директор лавозимида ишла келаётганлиги, ҳозирги вақтда «Еввош» маҳалласида ҳашар йўли билан кўшимча синфхоналар қурилишига бош-қош бўлаётганлиги хусусида ва у ҳақда бошқа ижобий фикрлар билдиришди.

Йиғилиш рўҳидан шу нарса маълум бўлдики, жамоада тўла соғлом вазиятни вужудга келтириш учун бутун мактаб жамоаси қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилиши лозим. Айниқса, келажак авлодга таълим-тарбия бериладиган даргоҳда намунавий муҳитни қарор топтириш бағоят муҳимдир.

**Темур ХАЙДАРОВ,**  
«Ишонч» мухбири.

— **Ўқитувчиларнинг нони тотли, — дейишди. Кўпинча шу касб эгалари. Ҳолбуки, муаллимликка ҳавас ҳар бир ўқувчи қалбини мактаб партасиданок бошланишига шубҳа йўқ. Чидамли ва саботли, болалар қалбини англай оладиган, уларга ҳам устоз, ҳам яқин дўст бўлишнинг улдасидан чиқадиганларгагина бу соҳа насиб этаркан.**

Шахрисабзлик муаллим Шоймардон Мелибоев ана шундай нозик хислатли инсонлардан бири эди. Туманнинг тоғ бағрида жойлашган Хитой, Қоратут, Костирани каби қишлоқларнинг ёшлари у кишининг саёй-ҳаракатлари боис, ўнлаб километр узоқликдаги мактабга қатнаш қийинчилигидан халос бўлганларини кўпчилик яхши эслади. Миллий таълим тизимини шакллантириш, янги мактаблар қуриш, қишлоқ мактаблари ўқувчилари ҳам чет элларга бориб ўқишини кўриш каби орузлари кўп эди, унинг. Бирок...

— Афсус, карвон манзилига етмади-я, — деб қолишди уни сўнги йўлга кузатаётган қишлоқдошлари. Мана, ўшандан буён қанча қорлар ёғиб ўтди, неча бор ёмғир ёғиб, жилгалар-у, сойларни бўтанага тўлдирди. Лекин Шоймардон ака босиб ўтган излар, мангуликка даҳидор бўлиб қолди. У эккан ниҳоллар бугун буй кўрсатиб, мева бера бошлади.

Санобар Мелибоевнинг тумандаги 56-ўрта мактабга директор этиб тайинланганиги жамоада қувонч уйғотди. Бунинг боиси бор, албатта. 52 йил аввал қурил-

ган бу илм даргоҳида кейинги йилларда анча-мунча муаммолар тўпланиб қолганди. Раҳбарларнинг кўнимсизлиги ана шундай ҳолга келтирилди.

От изини той босади, деган гап бор халқимизда. Ёш, ўз соҳасини пух-

та ўзлаштирган янги раҳбар падарибузруквори ўғитларига амал қилиб, ишни касоба уюшмаси фаолиятини қайта тиклашдан, таълим-тарбияни давр кўсаяётган талабларга мослаштиришдан бошлади. Муаллимлар аттестациядан ўтказилиб, дарс соатлари уларнинг салоҳиятига қараб тақсимланди. Шулар қаторида ота-оналар билан одоб-ахлоқ мавзусида биргаликда ҳамкорлик қилиш ҳам эътибордан четда қолмади.

Қисқа вақт оралиғида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Миллий дастур» асосида болаларга сабоқ бериш ишлари жонланиб кетди. Уша йили илк бор тўрт нафар

ўқувчи турли фанлардан олимпиадаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Беш нафари эса республикамиздаги илм даргоҳлари талабалика қабул қилинди.

Айни пайтда илмгоҳда фанлардан дарс ўтиш услуби ҳам янгича асосда шаклланди. Чунончи, фақат дарсликлар ва дастурларга таянмай, замонага мос қўлланмалар, бозор таъминчиларини акс эттирувчи дастурлар ҳамда кўргазмалар қўрилган фойдаланишга

моа ҳўжалиги билан истиқболли шартнома тузилди. Айни пайтда мактаб жамоаси ўзининг бир гектарли майдонига эга. Ўқитувчи ва ўқувчилар дарсдан ташқари бўш вақтларида ўзларига ажратилган майдонда дехқончилик қилиб, картошка, пивё, қарам ва шунга ўхшаш қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ўзини ўзи маҳсулот билан таъминлашнинг ҳадисини олган.

Илм даргоҳи учун бу қанчалик асқотишини биргина мисолдан ҳам

бирларни излади. Туман халқ таълимидаги мутасаддилардан маслаҳат сўради.

Иштиёқ бўлса, имкон топиларкан. «Хисорак» жамоа ҳўжалиги маъмурияти, ота-оналар билан фикрлашиб, ташландик ҳолга келиб қолган жой танланди. Биров пойдеворга, бошқаси лой қоришга, яна биров эса маблағдан ёрдамлашди. Кўпники элга татийди, дегани шу бўлса керак, ҳадемай ҳашар йўли билан бунёд этилган 6 хонали, 160 ўқувчига

шина бор, ундан фойдаланайлик, деса таъмирталаб, ишламайди. Шунингдек, мактаб учун кўргазмалар ва ўқув қўраллари, парта, стол-стуллар етиштирилди, тегишли ташкилотларга бу ҳақда бир неча бор муружаат қилинганлигига қарамай, ҳанузгача у ечимини топмапти. Яна бир асосий нарса — илмгоҳ Халқ артисти Аббор Хидоятлов номи билан юритилади. Шундай бўлса-да, миллий санъатимиз жонкуяр фидойисининг бу ерда на портрети, на у кишининг эзгулик йўлида қилган ишларини акс эттирувчи кўргазмалар бор. Ўқувчилар Халқ артистининг ижоди ва фаолияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар.

Бир мулоҳаза бор: — жорий ўқув йили ҳам тугади. Ўтган даврда таълим жарафини ривожлантириш борасида бир шингилга тўхталик, холос. Ниъати улғ, мақсади аён: — юртимиз келажига бўлган ёшларни давр талаби даражасида тарбиялаш, уларни эркин ўқиб, пухта билим олишларини таъминлаш. Лекин ана шу йўлда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўқитувчилардан баъзилари анча узоқ масофадан қатнаб ишлайди, уларга йўл харажатларини қоплаш учун имконият мавжуд эмас. Жамоа ихтиёрида эски бўлса-да, ма-

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири.

# МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ

ўтилди. Ўқитувчилар ижодкорлик ва изланишга даъват этилди.

Таълим тизимида ислохотларни жадаллаштириш йўлидаги бу ва шунга ўхшаш ижодий изланишлар зое кетмади. Эндиликда 47 нафар ўқитувчи ўз мутахассислигини пухта ўзлаштирган, ижодкор, дарс ўтиш услуби ҳам давр билан ҳамоханг, уларнинг 6 нафари олий тоифали, 27 нафари эса 1-тоифали мутахассислардир.

Бозор иқтисоди шароитида жамоани ижтимоий ҳимоя этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришдек муҳим ишлар раҳбарнинг назаридан четда қолмаган. Шу боис, «Хисорак» жа-

англаб олиш мумкин. Ўтган мавсумда жамоа ўз ер участкасида етиштирилган маҳсулотни ҳисобига синфхоналарни тўла таъмирдан чиқарди. Шунингдек, мева-чева, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари мўл бўлганлиги боис, жамоадаги ҳар бир киши манфаатга қурди.

Мактаб қуриш Санобарга ота мерос иш. Костирани қишлоғидан илмгоҳга тўрт километрдан зиёд масофа. Тогли худуд бўлганлиги сабабли киш ва баҳор ойлари ўқувчиларнинг дарсларга етиб келиши анча мушкул. Хўш, нима қилса, бу муаммо барҳам топиши мумкин? Касаба уюшмаси билан бу борада узоқ фикрлашди, чора-тад-

мўлжалланган мактаб ҳам қуриб битказилди...

Тадбиркор директорининг таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги изланишларидан бир шингилга тўхталик, холос. Ниъати улғ, мақсади аён: — юртимиз келажига бўлган ёшларни давр талаби даражасида тарбиялаш, уларни эркин ўқиб, пухта билим олишларини таъминлаш.

Лекин ана шу йўлда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўқитувчилардан баъзилари анча узоқ масофадан қатнаб ишлайди, уларга йўл харажатларини қоплаш учун имконият мавжуд эмас. Жамоа ихтиёрида эски бўлса-да, ма-

## Қонун барча учун баробар

# ИШЛОВЧИЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Касаба уюшмалари тизимидаги ҳуқуқшунослар ўз вазифаларини сидқидилдан бажара бориб, яна бир муҳим ишга қўл урдилар. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси меҳнат ҳуқуқи Бош ноизи Орифжон Ғайназаров ҳамда Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқи ноизи Нейматжон Холбоёрларнинг бу галги текшируви фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига қаратилди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар талаблари бузилиши билан меҳнат-кашининг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатларига путур етди. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бундай ҳолатлар асосан баъзи раҳбарларнинг қонунни яхши билмасликлари, гоҳида шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишлари натижасида келиб чиқади. Айнан шундай манзарани Ўзбекистон Давлат акционерлик темир йўллар компанияси фаолияти билан боғлиқ мисолда ҳам кўриш мумкин. Мазкур мажмуа маъмурияти 2000 йил 4 январдаги 2-Н сонли буйруғида 10 мартдан эътиборан вагонларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш дирекциясини тугатиб, унинг таркибиде йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича Тошкент вагон депоси ташкил топиши кўрсатилган. Аниқроғи, ушбу буйруқ асосида компаниянинг «Ўзтемирйўловчи ташвиш» Давлат корхонаси дирекциясини тугатиб, Сервис марка ва Тошкент вагон депоси тузиш ҳақидаги буйруғи чиқарилган. Шу асосда депонинг барча ходим-

ларига корхона тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш хати берилган. Шу йилнинг 13-15 апрелига қадар дирекциядаги 4444 нафар ходимдан 2940 нафари янги ташкил этилган Сервис марка ва Тошкент вагон депосига ишга қабул қилинган. 1504 нафари эса ишдан бўшатирилган.

Янги иш жойларини очиб, фуқароларни иш билан таъминлаш борасида давлатимиз томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётган бир пайтда мазкур акционерлик компанияси маъмуриятининг бу «ташаббуси»ни оқлаб бўлмаса керак.

Сервис марка кадрлар бўлимининг иш юртиш фаолияти текширилганда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, меҳнат шартномаларининг аксариятида иш ҳақи белгиланмаган, раҳбар имзоси корхона муҳри билан тасдиқланмаган. Яъни, Меҳнат Кодексининг 74-моддаси талаблари бажарилмаган. Т-1, Т-2 ва ходимларнинг синов варақалари тўлдирилмаган. Бундан ташқари, меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-, 3-бандлари талабларига ҳам рияо қилинмаган.

Меҳнат Кодексининг 92-моддасига биноан, корхона қайта ташкил этилганлиги муносабати билан ходимлар янги тузилган корхонадаги бўш ўринларга ишга тақлиф этилиши шарт эди. Бирок мазкур мажмуада 56 та бўш ўш ўрни бўлса-да, ишсиз қолганлар тақлиф қилинмаган. Штатлар сони қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимни ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли

ҳуқуқлар ҳам белгиланмаган: Шу тариқа О.Тангирбердиев, Ш.Толибов, Н.Шукуров ва И.Остоновлар Меҳнат кодексига зид равишда «штат қисқарди»га тушганлар. Текширув пайтида А.Набиев, А.Абдумажидов ва бошқа ўнлаб ходимлар ўз вазифалари талабларини қўпол равишда бузганликлари учун Меҳнат Кодексининг 100-модда 2-қисм 4-банди билан ишдан бўшатилишга ҳўжжат тайёрлаб қўйилгани маълум бўлди.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, Меҳнат Кодексининг мазкур бандида ходим меҳнат вазифасини қўпол равишда бузган тақдирда унга интизомий жазо қўллашга амал қилиниши лозим бўлган тегишли ҳўжатлар рўйхати кўрсатилган.

Булар: — ички меҳнат тартиб-қоидалари; — корхона касаба уюшма қўмитаси раиси билан раҳбар ўртасидаги тузилган жамоа шартномаси; — айрим-тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо ҳақидаги Низом билан белгиланади.

Афсуски, қайд этилган рўйхатдаги ҳўжатларнинг биронтаси ҳам мазкур корхонада мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам ходимларга Меҳнат Кодексининг 181-моддаси 1-қисм 1-2-бандлари қўлланилиши лозим эди.

Ташкилотнинг тугатилиши хусусида тўхтайдиган бўлсақ, дирекция тугатилиб, унинг негизда янги корхоналар ташкил этилганлиги унинг бутунлай тугатилганлигини билдирмайди. Чунки тугатилаётган дирекциянинг фаолияти ташкил қилинган иккала корхонага тақсимланган. Бу эса, унинг қайта ташкил қилинганлигини англатади. Меҳнат кодексининг 98-моддасига биноан корхона мулкдори алмашилганда худди шунинг-


дек, корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилганда, бирлаштирилганда, бўлиб юборилганда ва қайта тузилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади. Ушбу қонун талабига асосан, тугатилаётган корхона маъмурияти ходимларга меҳнат шартномаларида белгиланган вазифалари доирасида қайта ташкил этилган Сервис марка ва Тошкент вагон депосида ишни давом эттиришга имкон яратиб бериши керак эди. Эътибор қилинган, ишловчилардан 2940 нафари қайта ташкил этилган корхоналарга суҳбат ўтказиш йўли билан қабул қилинган. Ҳуқуқшуноснинг суҳбатдан ўтказиш баённомаси билан танишиб чиқиш мақсадида қилган уринишлари беҳуда кетди. Корхона раҳбарлари негадир бу баённомани кўрсатишни ўзларига эп кўришмади. Бунда нима сир бор, у ёғи бизга қоронғу.

Юқорида қайд этилган таҳлиллар тегишли ҳўжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасининг тергов бошқармасига тақдим этилганди. Бироқ орадан анча вақт ўтишига қарамай қонун бузилишлари шу кунга қадар бартафат этилмаган. Бундан эса бир ярим мингдан ошқ меҳнаткаш ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрмоқда. Уйлаймики, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу масалага жиддий ёндашиб, бир тўхтама келишар. Биз эса ҳали бу мавзуга яна қайта-

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**  
«Ишонч» махсус мухбири.



Суратларда: агрофирма раҳбари йўлдошали Турдиев, замонавий жилхозлар. **Б.ҲАМРОҚУЛОВ** олган суратлар.



Ижтимоий ҳимоя

нат фахрийларига даволаниб келишлари учун сихатгоҳларга 98 та йўлланма бериб, 35 нафар ногиронларга протез ортопедик мосламалар учун йўлланма талонлар берилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими жорий йилнинг 1-чорағида уруш ва меҳнат ногиронларининг 17 нафарига даволанишлари учун сихатгоҳларга йўлланмалар ажратди.

Шу ўринда туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Муқимжон Аҳмедов ҳақида икки оғиз сўз. У 1976 йил 9-сентябрда ўқиб юрган кезларида пахта ни қўсақдан ажратувчи дастгоҳга ишга қўйилган. Қунлардан бир кун фалокат юз бериб ўнг қўлидан ажраб қолган.

— Лекин тушунликка тушмадим, ўқидим, изландим, — дейди у. — қўриб турганимиздек, ҳозирги кунимдан нолимайман. Халқимизнинг «олтин олма — дуо ол» мақоли замирида чуқур маъно борлигини тушуниб етдим.

**Ориф УЛМАСОВ,**  
«Ишонч» мухбири.

## Янги шифо маскани

Навойи вилояти КониMex туманида тиббий тез ёрдам маркази очилди. Туман бирлашган касалхонаси билан ёнма-ён жойлашган бу шифо маскани замонавий асбоб-ускуна, жихозлар ва автотранспорт билан таъминланди. Маълумоти шифокорлар беморларга хизмат кўсата болади.

Вилоятнинг Қизилтепа, Навбахор туманларида ҳам ана шундай тез тиббий ёрдам марказлари ишга тушди.

Охунбобоев туман ижтимоий таъминот бўлими ҳозирда 14550 нафар қарилек-ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи фуқароларга хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йили 968 нафар фуқароларга ана шундай пенсиялар тайинланган бўлса, жорий йил 1-чорағида 327 нафар фуқароларга пенсиялари ўз вақтида тўланмоқда.

Туман худуди кенглиги сабабли Ижтимоий таъминот бўлимига ҳўжжат топшириш, маълумот олиш учун чекка қишлоқлардаги фуқаролар узоқ йўл босиб келаётган эдилар. Бу эса ортқча вақт ва йўл харажатлари сарфланишига олиб келаётган эди.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш ва фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида, Охунбобоев туман ҳокимлигининг 1999 йил 12 июндаги қарорига асосан чекка худудларда — «Пахтакор» ҳамда «Сармазор» қишлоқларида шаҳобчалар очилди. Бу фуқароларнинг ижтимоий таъминотга оид барча масалаларни жойларнинг ўзида хал этиш имконини берди.

1999 йил давомида уруш ва меҳ-

2000 йил — Соғлом авлод йили

СИҲАТТОҲЛАРДА ОНА ВА БОЛА БЎЛИМЛАРИ



2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қoшидаги Курортлар бошқармаси аҳолига санаторий-курорт хизматларини янада яхшилаш мақсадида республикамиз ҳамда ривожланган хориж давлатларида эришилган ютуқ ва тажрибаларга таянган ҳолда дастур ишлаб чиқди.

Бугунги кунда Курортлар бошқармаси тизимида 18 санаторий ва 1 та оилавий дам олиш маскани фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили республикадаги сиҳаттоҳларга 38030 йўлланма сотилиб, 40000 нафарга яқин киши дам олди ва соғломлаштирилди. Улардан 17000 нафари аёллар, 3000 нафарга яқини болалардир.

Жорий йилга 5975 та йўлланма сотилиши режалаштирилган бўлиб, 63067 нафар киши соғломлаштирилиши мўлжалланмоқда. Жами сиҳаттоҳларнинг лойиҳа бўйича даволаш имконияти 4879 ўринни ташкил этади. Шулардан 3716 таси фойдаланишда, 1163 ўринда реконструкция ва йиллик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилляпти.

ҳаттоҳнинг «Б» блокни тубдан таъмирлашга 150 миллион сўм сарфланди. «Оқтош» ва «Турон» санаторийларида ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган оилавий коттежлар қурилди. «Турон» сиҳаттоҳида қуриб битказилган чўмилиш сув ҳавзаси дам олувчилар хизматида. «Чимён» санаторийсида эски бинолар қайта таъмирланиб, қулай шарт-шароитларга эга бўлган 1-2 ўринли хоналар ташкил қилинди ва замонавий анжомлар билан жиҳозланди. 150 ўринга мўлжалланган андрогинекологик касалликларга ихтисослашган «Умид Гулшани» сиҳаттоҳида беш қаватли янги бино ишга туширилди.

Жорий йилда «Бўстон» сиҳаттоҳида бошқарма тизимида ягона, ҳар томонлама қулайликка эга бўлган замонавий соғломлаштириш маскани, яъни сув билан даволаш мажмуи иш бошлади. Шу каби янада тақомиллашган соғломлаштириш маскани «Чортоқ» ва «Ботаника» сиҳаттоҳларида ташкил этилади. «Чинобод» санаторийсида оилавий коттеж қурилади. Бу қурилиш нукталари мустақиллигимизнинг 9 йиллигига очилиши мўлжалланган. «Ботаника» сиҳаттоҳида қайта таъмирланган 150 ўринга мўлжалланган бино ишга туширилади.

Дастур бўйича шу йил бошқарма ихтиёридаги «Она ва бола» бўлимлари мавжуд бўлган сиҳаттоҳларда 5000 нафардан зиёд она ва бола дам олдирилиши ва соғломлаштирилиши мўлжалланган. «Оқтош» сиҳаттоҳида 16 ўринли болалар ва ўсмирлар нафас олиш органлари касалликларини даволаш бўлими очилиши ва уларни соғломлаштириш учун сув ҳавзаси, спорт мажмуеси қурилиши режалаштирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги 200 дан зиёд болаларни соғломлаштириш учун Чимбой туманидаги «Гулпаршин» сиҳаттоҳида 20 ўрин ажратилган.

Ўқорида таъкидланганидек, жорий йилда санаторийларда даволанувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилга эришилади. Бунда айниқса, оилавий даволанувчиларга катта эътибор қаратилади. Яъни, оилавий бўлимлар, хоналарни ташкил қилиш давом эттирилади. Аёллар, она-болаларни қабул қилиш, жойлаштириш, тиббий, маданий-майший хизмат савиясини яхшилашга алоҳида аҳамият берилади. Шу маънода гинекологик касалликларни даволашга мўлжалланган «Умид Гулшани» сиҳаттоҳи янги тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланади. «Чинобод», «Чортоқ», «Чимён», «Ботаника» сиҳаттоҳларида илгари ташкил қилин-

ган «Она ва бола» бўлимларининг иш фаолияти тақомиллаштирилади. «Оқтош», «Гулпаршин» санаторийларида турли касалликлар билан оғриган болалар ва ўсмирларни, уларнинг оналари, оилавий дам олувчиларни соғломлаштириш мақсадида махсус ўринлар ташкил этилади. Аёллар соғлигини сақлашга эътиборни кучайтириш мақсадида сиҳаттоҳларда очилган махсус бўлимларда даволаш-таъхис самарадорлиги ва парhez таомлар турлари, сифати оширилади. Ўринлар сони 378 тага етказилди. Барча санаторийларда дам олувчи аёллар ва болаларни шифокор кўригидан ўтказиш ҳамда даволашга катта аҳамият берилляпти.

Бундан ташқари санаторийларда дам олувчилар, болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат-шашка, стол тенниси ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилмоқда. Маданият саройлари ва клубларда «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, хотин-қизлар кўмиталари ҳамда дин назорати ходимлари ҳамкорлигида «Соғлом авлод» тарбиялаш», «Ватанга садоқат», аёллар ва қизлар ўртасида «Ҳаётга тайёргарлик», «Оила-муқаддас» маззуларида сўхбатлар ташкил қилинади. «Соғлом авлод йили» муносабати билан «Энг яхши сиҳаттоҳ» республика кўрик-танлови ўтказилади.

Ўрни келганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Курортлар бошқармаси яқинда Наманганда ўтган «Универсиада - 2000» мусобақаларини талабалар даражасида ташкил қилишга ҳисса қўшганини таъкидлаш лозим. Масалан, «Чортоқ» санаторийсида универсиада иштирокчиларининг 1200 нафари жойлаштирилди. «Косонсой» сиҳаттоҳи эса 100 нафар талаба-спортчини қабул қилди. Санаторийларда талабалар даволаш муолажаларини ҳам олдилар. Бунинг учун Федерация кенгаши томонидан «Чортоқ» санаторийси ҳисоб рақамига 15 миллион сўм ўтказилди. Шундан 10 миллион 200 минг сўми «Универсиада - 2000» иштирокчиларини жойлаштириш ва зарур бўлган жиҳозларга, 4 миллион 800 минг сўми таъмирлаш ишларига сарфланди. Курортлар бошқармаси томонидан эса бу тадбирга 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу «Соғлом авлод йили»даги хайрли ишлар сирасидандир.

**Акмал Йўлдошев,**  
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.**



«СЎҚОҚ» ЧОРЛАЙДИ

Чотқолтоғ ён бағрининг энг сўлим гўшасида жойлашган «Сўқоқ» дам олиш оромгоҳида бўлган миссия? Ёзининг жазирама иссиғи мамлакатимиз бўйлаб ўт пуркаётган пайларда у ўзининг мўътадил иқлими билан алоҳида ажралиб туради. Кўкдам дов-дараклар, арчазор ўрмонлари, баланд-баланд қорларидан қўйилаётган сершарқин сойлари, ўйноқи чашма-булоқлари, ранг-баранг анвойи гуллар, турли-туман сайроқи қушлар хониши-ю, турфа хайвонот дунёси кишини беихтиёр мафтун этмасдан илоҳи йўқ. Хуллас,

бу ер жаннат андозасидир. — Маданий ҳордиқ чиқарувчилар учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб қўйганмиз, - дейди сиҳаттоҳ раҳбари Одил Орипов. — Меҳнаткашларга қулайлик яратиш мақсадида бир ва икки-уч ўринли ҳамда оилавий дам олувчилар учун махсус хоналар

рисоладагидек жиҳозланган. Бунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъул ходимларининг беғараз ёрдамлари катта бўлаётди. Айтиш лозимки, соғлиқларини қайта тиклаш ниятида ташриф буюраётган ишчи ва деҳқонлар оромгоҳимиз хизматидан бағоят миннатдор бўлишмоқда. Бу ердаги сиҳаттоҳ худудида ободончилик ишларига эътибор бериб, сарҳадни икки баробарга кенгайтирдик. Манзарали ва мевали дараклар экиб, дам олувчилар руҳиятига илҳомбахш жўшқинлик киритишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Эътироф

Самарқандда — вилоят болалар жарроҳлиги илмий марказининг фаолият бошлаганига ўн икки йил бўлди. Унинг расмий номини қўйчилик билмаслиги мумкин, лекин профессор Шамсиевнинг клиникаси, десангиз Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарёда ҳам билишсади.

Ишга туширилган қўшимча бинолар ҳисобига саломатликларини тикловчилар сонини ошириш имконига эришилди. Натijaда ҳар сменада 100-150 нафар одам дам оляптилар. Шунингдек, шахмат-шашка, бильярд хоналари, сув ҳавзалари мавжуд. Сиҳаттоҳимизга келганларни туристик саёҳатларга ҳам олиб чиқамиз. Чотқол тоғининг энг манзарали жойлари, Сўқоқ чашмаси, бургут қоя, айиқлар гори, эразмиздан аввалги неолит даврига оид тош-қояда ўйиб чизилган хайвонлар сурати ҳар бир иштирокчига ўзгача кайфият бағишлайди. Бундан ташқари, Қумушқонга, Чорвоқ денгизи ва Тошкент шаҳрига сайр уюштирилади. Шундан бўлса керак, бу йилги мавсумли йўлланмалар шартнома бўйича 100 фоизга сотилди.

**Суратларда: Оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.**  
**Даврон АХМАД олган суратлар.**

БЎЁҚЛАРИНИНГ МАФТУНКОР ОЛАМИ

Яқинда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кўмитаси ва вилоят ноҳиронлар жамияти ҳамкорлигида соғлом авлод йилига бағишланган ноҳирон болалар ўртасида «Бўёқларнинг мафтункор олами» кўрик-танловида ўтказилди. Танловга ёш мусаввирлар чизган ранг-баранг суратлар намойиш этилди. Вероника Илошқина, Феруз Аҳмедов, Фарход Носировлар кўрик-конкурс ғолиблари деб топилди, биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни олишди ва Тошкентда ўтказиладиган ноҳирон болаларнинг Халқаро фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ПРОФЕССОР ШАМСИЕВ КЛИНИКАСИ

Гапни сиз кутмаганлар бажарилади. Мазкур тиббиёт маскани иш бошлаганидан бери оғир охирида доим нимадир ўтган давр мобайнида эллик мингдан зиёд операция ўтказилган. Демак, шунча боланинг ҳаёти сақлаб қолинган, келажак буненқон бўлиши таъминланган. Қанча-қанча оилаларга шодлик бахш этилганини айтмайсизми? Ҳалол, фидокорона меҳнат ўз самарасини бериши, кишига, жамоага чексиз шўҳрат келтириши тайин. Самарқанд болалар жарроҳлиги илмий маркази шашнига яқинда Смоленскда ўтказилган илмий-анжуманда ҳам жуда илиқ гаплар айтилди. Хориждаги 63 та тиббиёт олийгоҳларидан ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларни ҳам лол қилиб профессор Шамсиевнинг шоғирдлари 5 та ғолиблик дипломи ва олтин медални қўлга киритишди. Россиялик академик Юрий Исаков самарқандлик шифокорлар ишига юқори баҳо берди. Дарҳақиқат, мазкур маскандаги шароитни, миёз. Балки чет элликлар энди бизга ҳавас қилса, профессор Шамсиевдек юртдошларимиздан ўрганишса арзийди. Негаки Шамсиев клиникасида тиббиётнинг энг илгор усуллари қўлланилади. Хусусан, туғма юрак порогини ёпиқ усулда операция қилиш биринчи марта шу шифохонада қўлланилган. Жарроҳликда озонотерапия усулини қўллаш ҳам профессор Шамсиев тажрибасига дахлдир. Фарзандининг дардига шифо топиш умидида келган, ёки боласининг соғлигини тиклаб олган ота-оналарнинг миннатдорлик сўзларини бу ерда кўп эшитдик. Муолажалардан сўнг ҳеч нима бўлмаганидек бе-малол юрган болаларнинг кўзларидаги қувонч учқунини чеҳраларидаги шодлик эса шифокорлар хизматида берилган энг яхши баҳо деб билдик.

**Р. ҚУРБОНОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

ОРОЛ ЁШЛАРИГА ЭЪТИБОР

Экологик танг вазиятда яшаётган Оролбўйи болаларига турли мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилмоқда. Япония ҳукумати ўтган йил охирида Оролбўйи болаларига тиббий ёрдам кўрсатиш учун 4 миллион 700 минг долларлик грант ажратган эди. Яқинда ушбу грантни топшириш маросими бўлди. Унда иштирок этган Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Кеко Накаяма икки мамлакат орасидаги ҳамкорлик, Оролбўйи халқига кўрсатилган ёрдам хусусида гапирди. Грант ҳисобидан олинган тиббий ускуналар республика ва Нукус шаҳар болалар касалхоналарига, марказий туғруқхоналарга ўрнатилди.

— Рентген, ультратовуш ускуналари болалар касалликларини аниқлашда катта ёрдам бермоқда, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Нукус шаҳар касалхонаси бош шифокори Роза Қалниёзова. — Бу ускуналарда ишлайдиган ходимларимиз Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ўз малакаларини ошириб қайтидилар. «Туркистон-пресс»



РУСТАМ - МИЛИЦИЯ ЁРДАМЧИСИ

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 162-сон мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Рустам Мирворисовни оддий бола дейиш мумкин. Урта бўйли Рустамни пахлаван йигит деб бўлмайди. Шунга қарамаستан, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йул харақати хавфсизлиги хизмати бошқармаси ва йул-назорат хизмати ходимлари айнан уни табриқлаш учун уйига келишди.

10 апрел кунини кеч соат ўнларда Мухомий кўчасида автобил-йул ҳалокати юз берди. Машина уриб кетган урта яшар киши оғир жароҳат туяфайли эртаси кунини қон берди. Жароҳатланган кишига тиббий ёрдам кўрсатмасдан қочиб қолган жиноятчининг қанақа машинада экани ҳам номаълум эди. Ҳодисанинг тасодифий гувоҳи бўлган Рустам тартибни сақлаш ходимларига ёрдамга келди. У машина рақамини эсида сақлаб қолди ва маҳалла посбонларига - профилактика инспекторларининг кўнгилди ёрдамчиларига хабар берди. Тезкор эканини дарҳол аниқлаб, бир инсон умрига зомин бўлган номард ҳайдовчини топилди. Рустам ёрдам бермаганда бу жиноят жазосиз қолиши мумкин эди. Рустам Мирворисов ва унинг онасига Тошкент шаҳар йул харақати хавфсизлиги хизмати бошқармасидаги ўринбосари Ш. Абдиевнинг ўринбосари Ш. Абдиев ва йул-назорат хизмати бўлими бошчилигининг ўринбосари М. Аъзамов қимматбаҳо совға ва гуллар тақдим этилди.

БЕШТА БОҒЧА ИШГА ТУШДИ

Туманимиздаги 5.763 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар биргана ўтган йили 15.540 минг сўмлик электр энергияси, 14.212 минг сўмлик газ учун давлат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаландилар. Шунингдек, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Агар ўтган йили 7 нафар ўқитувчи республика сиҳаттоҳларида ҳордиқ чиқариши таъминланган бўлса, бу йил уларнинг 50 нафари шундай имтиёзлардан фойдаландилар.

«Камалак» жажжилар масканлари ишга туширилган эди. Жорий йилнинг охиригача яна 11 та болалар боғчасини ишга тушириш режалаштирилган. «Соғлом танда» соғ ақш мавзусида шахмат-шашка, волейбол, мини футбол, баскетбол, стол тенниси, зардузлик, каштачилик, ўймакорлик, тасвирий санъат бўйича турнирлар ўтказиш аъзана тусига кирган.

Мусобақаларда айниқса, 6,10,7,12-мактабларнинг жамоалари катта тайёргарлик кўришганини намойиш этиб, халқ таълими бўлими ва касаба уюшма кўмитаси томонидан таъсис этилган мукофотлар соҳиби бўлишди. Худди шу тадбирларнинг ўзига касаба уюшмаси томонидан 175000 сўмлик маблағ сарфланди. Маданий-оқартуш тадбирлари ҳам касаба уюшма кўмитасининг асосий эътиборида турибди. Бу хайрли тадбирларга ажратилган маблағ шу кунгача 70300 сўмдан ошди.

**Х. УМАРОВ,**  
**Хатирчи туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.**

**«Афина демократиясининг дохйиси» деган номга сазовор бўлган аллома, тахминан миллоддан аввалги 490-429 йилларда яшаган Перикл серкирра ижод соҳибиди. У ўз даврининг йирик арбоби бўлиб, жамият тараққиётига муносиб хисса қўшган. Перикл сўз санъатини мукаммал эгаллаб, нотиклик бобида устози аввал даражасига кўтарилган. Аллома ўзи ишлаб чиққан нутқларида демократиянинг тамойилларини ҳаётга татбиқ этиб, жуда катта шухрат қозонган.**

## ПЕРИКЛ ҲИҚМАТЛАРИ

«Бу тузум,- деганди Перикл, - демократия деб аталади, озчиликнинг эмас, кўпчиликнинг манфаатларига асосланади». Демократия ҳақида бу фикрлар гўё кеча айтилгандай жаранглайди. Бугуннинг гапидек таассурот қолдиради. Айниқса, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини кураётган мамлакатимиз учун файласуфлар даҳоси айтган ҳиқматларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Тарихга назар ташласак, бир тузумдан бошқасига ўтиш катта қийинчиликлар, ҳатто қон тўкишлар эвазига барпо этилган. Бунга кўна тарихда мисоллар жуда кўп. Юртбошимиз йўриқномаларида бу ҳақда шундай дейилади:

«Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг ачиқ-чучугини обдон тоғиб, кейин, айтиш мумкин, ҳатто фожиа тажрибаларни бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин». Шу маънода антик дунё мутафаккири Периклнинг фалсафий фикр-муло-

ҳазалари, ҳиқматлари жуда қўл келади ва у фуқаролик жамияти барпо этишда бебаҳо хазина ҳисобланади.

«Бизнинг давлат тузумимиз,- деб таъкидлаганди арбоб,- бировларникига тақлид эмас, балки, ўзимиз бошқалар учун намуна бўлишимиз мумкин».

Демократик жамиятнинг асосини эса қонунлар ташкил этади. Қонунлар устиворлиги таъминланган жамиятнинг демократиялашуви тезлашади. Перикл исботлаб берганидек, «Хусусий манфаатлар учун қонунларимиз ҳаммага бир хил ҳуқуқ беради». Қонуннинг олдида ҳамманинг тенглиги демократик давлатнинг асосий тамойилларидан биридир.

Адолатли жамиятнинг гултожи- тенглик омманинг жамиятга нисбатан ҳурматини оширади, давлатни мустаҳкамлашда энг муҳим воситалардан бири сифатида хизмат қилади. Фуқаролари эркин жамиятнинг асоси мустаҳкам, ривожланиши кафолатлидир.

«Камбағаллигимизга иқдор бўлишдан уялмаймиз,- деб ёзади донишманд— аксинча, меҳнат қилиб камбағалликдан

кутулиб кетмаганлар уятли бўладилар.»

Мазкур ҳиқматда аллома инсондаги чексиз имконият, қобилиятга ишора қилиб, камбағаллик уятли тамга эканлигини кўрсатиб беради ва у ёки бу қийинчиликдан «уялиш» эмас, балки ундан қутулиш, чиқиб кетиш йўлларини ахтариш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Файласуф ўз фикрини давом эттириб: «Ўзидан мангу хотира қолдирадиган инсонлар учун туғилиш чинакам бахтдир»,— дейди.

Перикл фалсафасида шундай ҳиқматлар борки, ҳар қайсида бир олам маъно ва мазмун яширин.

Аллома «Кенгашмасдан қилинган иш кўпроқ зарар келтиради», дейди. «Кенгашил тўй таркамас» - деган нақл ҳам бекорга айтилмаган. Ҳа, кенгашиб, маслаҳатлашиб, машварат, буларнинг натижаси шарафли, оқибатли, мунаввардир. Перикл мероси эса ҳаётий бўлгани учун ҳам боқий, мангудир. Аллома бисоти инсон ақл кўзини очади, огоҳликка даъват этади.

«Фафлат босган киши журъатсиз ҳисобланиб, аксинча, мулоҳазакор одам журъатлидир.» Фафлат уйқуси, танбаллик, дангасалик, тепсатейбранмаслик каби иллатлар инсон фаолиятини кемиривчи зарарқонандлардир. Периклнинг мероси бебаҳо, шу боис йиғирма беш асрки, инсониятга хизмат қилиб келаяпти.

**Мусоқул УСМОНОВ,**  
профессор.

### Бастакор ҳақида фильм

«Ўзбекино» Давлат акциядорлик компаниясида таникли бастакор, марҳум Мирсодиқ Тожиёв ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган «Композитор Мирсодиқ Тожиёв» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Композитор қисқа, лекин мазмунли ҳаёт кечирди. У эндигина 52 баҳорни қаршилаган эди. Ҳасос бастакорнинг илҳоми, ақл-заковоти билан яратилган ўнлаб жўшқин музикий асарлар миллий маданиятимиз раванқига салмоқли хисса бўлиб қўшилди. Халқимизнинг маънавий мулкига айланди. У республикамизнинг симфониячи бастакорлари сарқори, моҳир мураббий, ташкилотчи раҳбар, беназир ижодкор сифатида серкирра фаолият кўрсатди. М.Тожиёвнинг музикий асарлари нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам санъат муҳлисларига яхши таниш.

Киночиларимиз яратган янги лента таникли санъаткорнинг сермазмун ижоди ҳақида ҳиқоқарли ҳикоя бўлган.



**Остонада турган қизалоқ, Яйра, ўйна, камол топ тезроқ, Буюк миллат келажигисан, Йўлинг бўлсин тонг каби оппоқ.**

### Ёзги мавсум бошланди

Қорақалпоғистоннинг Бўстон шаҳридаги «Орол болалари» ўқув-соғломлаштириш маркази Хоразм воҳаси оромгоҳлари орасида биринчи бўлиб мавсумни бошлаб, дастлабки 400 нафар ўғил-қизни бағрига олди. Бу ерда Мўйноқ, Қонлиқул, Бўзатов, Чимбой каби туманлардан келган болалар ёзги таътилни кўнглидагидек ўтказиши учун барча шароит яратилган. Спорт мажмуи, чўмилиш ховузлари, соғломлаштириш хоналари, ҳар хил тўғарақлар улар ихтиёрига бериб қўйилди.

**МУАССИС:**

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир хайъати:**


Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.



**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган



Константин Синосов, аёллардан — Эйнат Ярон, Нигериядан — Суле Муса Шунингдек, ҳозирда су Аджио Юсуф, Япониядан Хироми Канасуга, аёллардан — Сатоми Машиколар иштирок этиш иштиёқидалар.

## ДУНЁ КЕЗАВЕР, КУРАШ!

2-4 июн кунлари кўна Самарқанд шаҳрида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда полвонларимиз етти вазн тоифасида гиламда куч синашади.

— Дунёнинг турли чеккаларида ўзбек курашининг ишқибозлари кун сайин ортиб бораёттир, - деди Республика кураш миллий федерацияси бош котиби Шухрат Рўзиев «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Кураш нафақат спорт тури, ўзбек гурури, Ўзбекистонимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат нишонаси бўлиб дунё кезмоқда. Бунинг исботи ўлароқ, шу йилнинг 13-17 июл кунлари Гўзал сайёҳлик марказларидан саналмиш — Туркиянинг Анталия шаҳри мезбони бўладиган иккинчи жаҳон чемпионатида 70 дан ортик мамлакат алплари курашадилар. Шубҳасиз, ушбу нуфузли мусобақада кураш ватани Алломишлари юлдуз мисол порлаб туришлари даркор. Шундай қилиб, Сама-

рқанддаги чемпионатда 73 ва 90 ҳамда мутлак вазн тоифасидаги бахслар голиблари Анталияда юртимиз шарафини

ҳимоя қилишга муяссар бўладилар. Бу галги жаҳон чемпионатида илк бор ягона вазн тоифаси (63 кг) бўйича аёллар ҳам иштирок этишини ҳисобга олиб, яқин кунларда ўзбек хотин-қиз полвонлари ўртасида ҳам муносибларни саралаш мусобақаси ўтказилади. Халқаро Кураш Ассоциациясидан олинган маълумотларга кўра, Самарқандда беллашувлар давом этаётган бир пайида аёллар ўртасида ўтган йилги биринчи жаҳон чемпионати мезбони — Россиянинг Брянск

давом этадиган иккинчи жаҳон чемпионатида иштирок этиш истаги билан Халқаро Кураш Ассоциациясига турли мамлакатлардан билдиришномалар оқиб келатгани қувонарли ҳолдир. Жумладан, Буюк Британиядан кураш бўйича Қироллик чемпиони, иккинчи жаҳон чемпионати саралаш мусобақаси голиблари — Марк Ваинрайт, Джеймс Уэйт, Джон Креминлар, аёллардан — Эмили Гиттинз, Исроил давлати вакилларидан Ярон Саатру, аёллардан — Библи-

### Мухандис ихтирочи

Сайёҳлар пойабзали учун ажойиб хусусиятга эга бўлган патак кашф қилинганлиги учун Загреб шаҳрида яшовчи муҳандис Миша Рабович Нью-Йоркдаги кургазида олтин медал билан мукофотланди. Бу патак киши танасидан иссиқлик олиб, пойабзал ичида 30 даража ҳарорат бўлишини таъминлайди.

Бундай ботинка ичида оёқ ҳеч ҳанс соватмайди. Бундан ташқари, Рабович элликтдан ортик ихтиро қилган. 1989 йилда ҳам у кемачиликда ишлатилган 20 та турли асбоб ўрнини босувчи ягона универсал асбоб ясаганлиги учун бронза медали билан тақдирланган эди.

Шукрки, истиқлол туфайли она тилимиз Шаҳодатномада ёзилган лозим бўлган «Алгебра ва анализ асослари» фани «алгебра», «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани «ЭХТ», «Иқтисодий билим асослари» эса «Иқтисод», «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» ўрнига «Ч.Ё.тайёрлаш» каби ўзгартириш ва қисқартириш қилинган. Наҳотки, олий маълумотли раҳбарлар «Алгебра» фани мактабнинг 9-синфигача ўқитилишини, 10-11-синфларда эса «Алгебра ва анализ асослари» фани ўтилишини билмасалар?! Шунингдек, 1998-1999

## Луқма САВОДСИЗЛАРЧА Тўлдирилган ШАҲОДАТНОМАЛАР

Турли ҳужжатларни, хусусан, паспорт, маълумотнома, туғилганлик ва никоҳ ҳақидаги гувоҳномалар, шаҳодатнома ва дипломларни саводсизларча тўлдириш натижасида айрим ҳолларда маъно ва мазмун бўзилиб кетиши каби ноҳушликлар шўролар тузумининг иллатларидан бири эди.

Шукрки, истиқлол туфайли она тилимиз Шаҳодатномада ёзилган лозим бўлган «Алгебра ва анализ асослари» фани «алгебра», «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани «ЭХТ», «Иқтисодий билим асослари» эса «Иқтисод», «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» ўрнига «Ч.Ё.тайёрлаш» каби ўзгартириш ва қисқартириш қилинган. Наҳотки, олий маълумотли раҳбарлар «Алгебра» фани мактабнинг 9-синфигача ўқитилишини, 10-11-синфларда эса «Алгебра ва анализ асослари» фани ўтилишини билмасалар?! Шунингдек, 1998-1999

ўқув йилларида 11-синфни тамомлаган Суенов Ёкубов Қиличович, Дувлаев Файрат Ўрозбоевич, Нурсодиқова Озода Мамасолиевна каби ўқувчиларнинг шаҳодатномалари ҳам ўғлимниқидан «беш баттар» бўлса бордирки, асло кам эмас. Масалан, Озода Нурсодиқованинг ҳужжати Иштихон тумани «Иштхон», намунали сўзи «наъмунали», «Иқтисодий билим асослари» «Иқтисот» тарзида саводсизларча ёзилган.

Аслида давлат ҳужжатларидаги сўзларнинг қисқартирилиши ва хатоликларга йўл қўйилиши мумкин эмаску!

Саводсизларча тўлдирилган ушбу ҳужжатлар эгалари сарсон-саргардон бўлмасликларига ким кафолат беради?!

**Убайдулла ТУРДИЕВ,**  
Иштихон тумани.

## ОЛОТЛИК ЧЕМПИОН ҚИЗЛАР

Олот туманидаги 26 Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби таэквандочилари мураббий Қ.Қурбонов раҳбарлигида кўплаб ютуқларга эришмоқдалар.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика чемпионатида иштирок этган мактаб ўқувчилари — Шаҳноза Шаропова, Насиба Юнусова ҳамда Азиза Омоновалар биринчилик голиблари сафидан ўрин олдилар. 45 килограмм вазн тоифасида ўз тенгдошлари ўртасида мамлакат чемпионлигини қўлга киритган 8-синф ўқувчиси Шаҳноза шу йилнинг август ойида Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилигида қатнашадиган бўлди. «Қора белбоғ» соҳибаси Н.Юнусова иккинчи, А.Омонова эса учинчи ўрин билан кифояланди.

Республика миқёсидаги нуфузли мусобақада зафар қучган чемпион қизлар муносиб тақдирландилар. Маҳоратли ёш чемпионлар ва уларнинг мураббийларига туман ҳокимлигининг қимматбахо совғалари тақдим этилди.

Салибаева Гельзяхан Садықовнага 1995 йил 20 июнда Тошкент шаҳар Юнусово туманидаги Ибн Сино номли 105-ўрта мактаб томонидан берилган АО № 011724 сонли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

### Футбол КЕЙИНГИ БЕКАТ - КИШИНЁВ

Россия терма жамоаси «Евро-2000»нинг финал босқичига чиқолмаган бўлса-да, ўртоқлик учрашувларини қанда қилмаётти. Бу сафар руслар Москвадаги «Динамо» стадионида Словакия терма жамоасини қабул қилди.

Опти минг томошабин гувоҳлигида ўтган ушбу учрашув якунида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Учрашувнинг биринчи бўлими ўрталарида Максими Деменко ҳатосидан фойдаланган Мартин Фабуш ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Ҳисобни Бесчастный тенглаштирди. У чап қанотдан Андрей Тихонов ошириб берган тўпни боши билан дарвоза тўрига йўллади.

Россия терма жамоаси навбатдаги ўртоқлик учрашувини 4 июн куни Кишинёвда Молдова терма жамоасига қарши ўтказди.

лар саноатимиз, электралоқа тармоқлари учун зарур ҳисобланмиш кабель симларини ҳам кешиб олиб, четдаги харидорларга эиқазиб беришга уринмоқда. Масалан, Жиззах шаҳрида яшовчи А.Файбулло бошқарувидаги «Дамас» русумли автомашина вилоят ДАН йўл патрул хизмати ходимлари томонидан тўхталиб текширилганда унда 100 килограммдан зиёд рангли металл чиқиндилари ҳеч қандай ҳужжатсиз республикадан ташқарига олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Шунингдек, Жиззах туманида яшовчи А.Парпи бошқарувидаги «Нексия» русумли энгил автомашина тўхталиб, текширилганда оғирлиги 400 килограмм, нархи 80 минг сўмлик рангли металл парчалари четга олиб чиқиб кетилаётгани

Шерали АНВАРОВ,  
ИИБ Матбуот маркази инспектори.

## Қилмиш-қидирмиш МЕТАЛФУРУШЛАР

Кейинги вақтларда мамлакатимиз ҳудудидан рангли металлларни ноқонуний равишда четга олиб чиқишга уринишларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ички ишлар ходимлари нопоқ кимсаларнинг кирдикорларини фош қилиб, йўлларига тўсиқлар қўймоқда.

«Рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон талабларини бажариш борасида Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимларининг сергакиги туфайли айрим кимсаларнинг қонунга зид қинғир ишлари фош этилаёттир.

Яқинда Оқолтин туманида жойлашган «Сардоба» ДАН масканида «Қарши-Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган Қарши

туманида яшовчи У.Ҳамроқул бошқарувидаги «Сафар» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли «ЗИЛ-133» русумли автомашина тўхталиб текширилади. ДАН ходимларининг зийраклиги натижасида ҳийлагар кимсаларнинг найранглари фош бўлди. Яъни юк орасида усталик билан жойлаштирилган, оғирлиги 9 тоннага яқин, баҳоси 2 миллион сўмликдан зиёд рангли металл парчалари Қозғистон Республикасига ноқонуний олиб кетилаётганида тумшугидан илинди.

Ачинарлиси, баднафс-